Бир киши йўлда кета туриб

23:30 / 20.02.2018 3501

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Бир киши йўлда кета туриб, чанқоғи кучайди-да, бир қудуқни топиб, унга тушиб сув ичди. Кейин чиқди. Қараса, бир ит турибди, ҳарсиллаб тили осилган, чанқоқдан нам тупроқни ялаяпти. Шунда ҳалиги киши: «Бу итга ҳам менга бўлгани каби чанқоқлик етибди», деб қудуққа тушиб маҳсисига сув тўлдирди-да, уни оғзида ушлаб кўтарилди ва итни сув ила суғорди. Аллоҳ уни тақдирлади ва унинг гуноҳини кечирди**», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Бизга ҳайвонларда ҳам савоб борми?» дейишганида, у зот: **«Жони борки нарсада ажр бор»**, дедилар».

(Изоҳ: «Жони борки нарсада ажр бор» дегани ҳар қандай жонзотга сув ичириш, ем бериш, унга бирор яхшилик етказишда савоб бор, демакдир).

Бухорийнинг бошқа бир ривоятларида эса: «**Аллоҳ уни тақдирлаб, гуноҳини кечириб, жаннатга киритди**», дейилган.

Икковларининг яна бир бошқа ривоятларида: «**Бир ит қудуқ атрофида чанқоқликдан ўлар ҳолатга келиб қолай, деб айланиб юрганида, Бани исроиллик бир фоҳиша аёл маҳсисини ечди-да, унга сув олиб, уни ўша сув билан суғорди. Шу амали сабабли гуноҳлари кечирилди** », дейилган.